

**ЧУСТ ТУМАН ИҚТИСОДИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛҚИЛУВҚАРОРИ**

Чуст тумани

2025 йил 29 июль

Чуст туманлараро иқтисодий суди судьяси Д.Соатов раислигида, О.Мирзақуловнинг котиблигида, даъвогар - “BADEX LIFE” МЧЖнинг, жавобгар – МЧЖ ҚҚга нисбатан товар белгисига доир мутлоқ ҳуқуқларни бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 (минг) баравари миқдорида товон пули ундириш тўғрисидаги даъво аризасини даъвогар вакили – Д.Хўджанов, жавобгар вакили – Ф.Абдурахмоновларнинг иштирокида, очик суд мажлиси муҳокамасида, видеоконференцалоқа режимида, АКТ ходими Б.Жапаровнинг кўмагида Чуст туманлараро иқтисодий суди биносида кўриб чиқиб суд қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар - “BADEX LIFE” МЧЖ судга мурожаат этиб, унда жавобгар - МЧЖ ҚҚга нисбатан товар белгисига доир мутлоқ ҳуқуқларни бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 (минг) баравари миқдорида товон пули ундиришни сўраган.

Суднинг ажримига асосан ишга низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Наманган вилоят Адлия бошқармаси жалб этилган.

Бугунги суд мажлисида даъвогар вакили даъво талабини қўллаб қувватлади.

Жавобгар вакили даъвони рад этишни сўради.

Муқаддам бўлиб ўтган суд мажлисида Наманган вилоят Адлия бошқармаси вакили иштирок этиб, унда ҳақиқатан қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлигини маълум қилди.

Суд тарафларнинг суд мажлисида берган кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қайд этилган ҳолатларни муҳокама қилиб, ишда иштирок этувчи шахсларнинг кўрсатмаларига ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатларидан аниқланишича, “BADEX LIFE” МЧЖ 02.11.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасасига товар ва хизматларнинг халқаро классификациясининг 5-синфида кўрсатилган маҳсулотлар (*озик овқат учун қўшимчалар, фармацевтика препаратлари, инсон учун медикаментлар, биологик фаол қўшимчалар*) учун “Montalin” белгисини товар белгиси сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома топширилган.

02.11.2023 йилда “BADEX LIFE” МЧЖга №MGU 55062 – сонли товар белгисига доир муҳофаза ҳужжати берилган.

Ҳуқуқ эгаси “BADEX LIFE” МЧЖ этиб белгиланган.

2025 йилнинг феврал, март ойлари мобайнида

МЧЖ ҚҚ томонидан №MGU 55062 “MONTALIN” товар

белгиси билан айнан ўхшаш номдаги ва кўринишдаги харидорларни адаштириб юбориш даражасида бир хил бўлган контрафакт маҳсулотлари улгуржи савдода сотилаётганлиги ҳолати аниқланган.

Ҳолат юзасидан Наманган вилояти адлия бошқармасига мурожаат этилган.

Наманган вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан ушбу қонун бузилиши ҳолати юзасидан МЧЖ ҚКга нисбатан товар белгиси бўйича ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатларни тўхтатиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритилганлиги ҳамда жамият масъул шахсига нисбатан қонунбузилиш ҳолати содир этилганлиги юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Бироқ, МЧЖ ҚК томонидан даъвогарнинг товар белгисини ҳуқуқларини қўпол тарзда бузиб, унга тегишли товар белгисидан қонунга ҳилоф тарзда фойдаланилиб, “MONTALIN” товар белгиси остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг контрафакт нусхаларини сотиб келинган.

Даъвогар жавобгарга бу тўғрисида мурожаат қилинган бўлса-да, жавобгар томонидан ушбу талабномалар оқибатсиз қолдирилган.

Бундан кўриниб турибдики, даъвогар томонидан низони судгача ҳал қилиш чоралари кўрилган.

Даъво талабида товар белгисига доир мутлоқ ҳуқуқларни бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдорида товон пули ундириш сўралган.

Суд, даъво талаби доирасида иш кўриб чиқишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 9-моддаси учинчи қисмига кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1102-моддасига биноан, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ товар белгиси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланиши белгиланган.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмига кўра, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгилардир.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган Қонуннинг 4-моддасига кўра, ҳуқуқий жиҳатдан уни Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Қонуннинг 26-моддасининг биринчи қисмига кўра, товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига кўра, товар белгисидан унинг эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар товар белгиси эгасининг талабига кўра етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Товар белгисининг эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлашини талаб қилиши мумкин.

Бунда товон зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусиятидан ва товар белгиси эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахснинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

Товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланади.

Қонуннинг 38-моддасига кўра, товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68 - моддасига асосан, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Агар тараф суд томонидан талаб этилаётган далилни ўзида ушлаб турган ва суд сўрови билан белгиланган муддатда уни тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар шу тараф манфаатларига қарши қаратилган деб тахмин қилинади ва у томонидан тан олинган деб ҳисобланади.

Бу ҳолатда, товар белгисини ҳуқуқларини қўпол тарзда бузилганлиги ҳолатидан келиб чиқиш лозим.

Ушбу ҳолатни инкор этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига асосан, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Агар тараф суд томонидан талаб этилаётган далилни ўзида ушлаб турган ва суд сўрови билан белгиланган муддатда уни тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар шу тараф манфаатларига қарши қаратилган деб тахмин қилинади ва у томонидан тан олинган деб ҳисобланади.

Бироқ, жавобгар томонидан даъвони инкор этувчи далиллар тақдим этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 74-моддасига асосан суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради.

Мазкур иқтисодий иш доирасида жавобгар вакилининг оғзаки илтимосномасига асосан суд муҳокамаси бир неча маротаба қолдирилди ва

даъво аризага ўз эътирозларини асословчи ҳужжатларни судга тақдим этиш ҳуқуқи имкони берилди.

Шу боис суд, жавобгар вакилининг иш кўришни тўхтатиш тўғрисидаги ёзма илтимосномасини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Суд даъвогарнинг даъво талабини муҳокама қилиб, қонуннинг 26-моддасининг тўртинчи қисмига асосланган ҳолда, жавобгар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, жавобгарнинг айби даражаси, даъвони қисман тан олиб, зарарни тўлашдан бўйин товламаётганлиги, содир қилган ҳуқуқбузарликдан пушаймонлиги ҳолатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда зарар қопланиши ўрнига жавобгардан даъвогар фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 37.500.000 сўм миқдорда товон пули (зарар) ундиришни белгилаш адолатлилиқ принципи ва қонунийлик талабларига мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд харажатлари тарафларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда юкланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи” тўғрисидаги қонун иловасида Давлат божи ставкаларининг миқдори белгиланган бўлиб, 2-бандида мулкый хусусиятга эга даъво аризалардан эса даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида бироқ, БХМ нинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорида ундирилиши назарда тутилган.

Даъвогар томонидан олдиндан 7.500.000 сўм давлат божи ва 37.500 сўм почта харажатлари тўланган.

Шунга кўра, ишни судда кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан суд, даъво аризасини қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 37.500.000 сўм миқдорида товон пули (зарар) ва олдиндан тўланган 37.500 сўм почта харажатлари ҳамда 7.500.000 сўм давлат божи ундиришни лозим топади.

Қайд этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68,73,118, 176,177-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Жавобгар вакилининг иш кўришни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ёзма илтимосномасини қаноатлантириш рад этилсин.

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар - МЧЖ ҚК ҳисобидан, даъвогар – “BADEX LIFE” МЧЖ фойдасига 37.500.000 сўм сўм миқдорда товон пули (зарар) ва олдиндан тўланган 37.500 сўм почта харажатлари ҳамда 7.500.000 сўм давлат божи, ВКА режимида кўриш билан боғлиқ харажатлар 93.750 сўм ва ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Хал қилув қарори тарафларга юборилсин.

Хал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида белгиланган тартибида Наманган вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш мумкин.

Судья

Д.Соатов

